Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 50 (3551)
1 ЧОРШАНБА МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Ташаббус маъқулланди

Октябрь ва Киров районлари корхоналарининг коллективлари шу йилнинг баҳорида шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳар бир меҳнаткаш ва шаҳар аҳолиси шанбаликларда 60 соатдан ишлаб беришга аҳд қилди. Оммавий ҳашарлар мобайнида кўчалар, майдонлар, турар жой массивлари намунали ҳолга келтирилади, янги микрохиёбонлар, чаманзорлар, бульварлар ва парклар вужудга келтирилади.

Ташаббуснинг катта аҳамиятини ҳисобга олиб, шунингдек меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни нишонлашга шаҳарни тайёрлаш учун Ўзбекистон КП шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Киров ва Октябрь районлари меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилдилар. 1 мартдан 30 апрелга қадар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойлик ўтказишга қарор қилинди.

Районларнинг партия комитетларига, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетларига бу икки ойлик давомида ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва уни кенг оммалаштириш, кўкаламзорлаштириш, қўкаламзорлаштириш, турар жой массивлари, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар ёнидаги территориялар, шаҳар магистралларида бажариладиган ишлар бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур.

Ҳар бир корхона, ташкилот, муассасалар ва ўқув юртлари, уй-жой органларига улар амалга оширадиган ободончилик ишлари учун махсус жойлар биркитиб берилади.

Шунингдек, икки ойлик мобайнида йўллар, йўлкаларни ремонт қилиш, суғориш тармоқларини тартибга келтириш, рекламалар, вивескалар, кўчалар, проездлар, майдонлар, уйларнинг номи ва номерлари ёзилган тахтачаларни янгилаш ишлари амалга оширилади.

Маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларининг ташқи қиёфасига, биноларнинг фасадлари, балконлари, подъездлари ва бошқа ободончилик элементларига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Кўзда тутилган бу ишларни тўла ва самарали амалга ошириш учун автохўжаликлар ва корхоналардаги мавжуд автотранспортлар ва механизмлардан тўла фойдаланиш керак.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ўз объектларида тартибга эътибор беришлари, ана шу территорияларда саранжом-саришталикни доимо назорат қилиб боришлари лозим. Йўллар, пиёдалар ўтадиган йўлкаларни ифлослантирмаслик учун автомашиналар ювиладиган жойларни ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилиши зарур. Қурилиш майдонлари ўраб олинган барча тўсиқлар рангланган бўлиши, уларга кириладиган йўллар ҳам ободонлаштирилиши шарт.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ҳаракатини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармаси, «Главташпассавтотранс» пассажир транспортининг барча доимий ва вақтинчалик тўхташ жойларини намунали сақлаш, уларни ободонлаштиришга жиддий аҳамият беришлари лозим.

Икки ойлик мобайнида амалга ошириладиган барча ободончилик ишларига махсус ташкил этилган шаҳар штаби раҳбарлик қилади. Районларнинг партия комитетларига ва район Совети ижроия комитетларига районларда, корхоналарда, ташкилотларда бошқармаларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бўлимларига ва Советларида штаблар ташкил этиш, ҳар бир объект бўйича конкрет мутасадди кишиларни тайинлаш топширилди.

Меҳнат коллективларида, шаҳар аҳолиси ўртасида уларни икки ойликда актив иштирок этишга, ҳар бир тошкентлик шанбалик ва якшанбаликларда 60 соатдан ишлаб беришига жалб этиш учун сиёсий-тарбиявий ишларни кенг қулоч ёйдириш зарур.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакцияларига ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойликни кенг ёритиш таклиф этилди.

ЖАДАЛЛИК БИЛАН

«Гордорстр о й р е м о н т» трести йўлсозлари ва ободончилари шаҳримизнинг Якуб Колас ва Свердлов кўчаларини капитал ремонт қилиш ишларини жадал олиб боришмоқда. 1, 2-ремонт-қурилиш бошқармалари эса Ҳамза номли майдон ва ҳайкал атрофига гранит билан сайқал беришяпти.

Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси шу ердаги кўкаламзорлаштириладиган зоналарни гул ва манзарали кўчат ўтказишга тайёрлаяпти.

Айни пайтда «Гордорстройремонт» трести бошқармалари Улуғбек кўчасида қурилаётган йўл ўтказгич учун тўпроқ ишларини олиб боришмоқда. Ленин ва Ҳамза, Куйбиш е в районларида транспорт бекатлари ташкил этиш, уларнинг атрофини ободонлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Район чирой очмоқда

БУГУН

Ленин район ободончилик бошқармаси ишчи-хизматчилари Новий путь, Лоҳутий кўчаларига яшил тўсиқ ўтказишга киришдилар. Район меҳнаткашлари бу йилги ободончилик ойлигида 110 минг туп кўчат ўтказишади. Шундан 37 минги дарахт, қолгани яшил буталардир. Ҳозир район ободончилари Ленин проспекти, Пролетар ва Сарикуль кўчаларидаги 20 минг погон-метр ирригация шохобчаларини чиндилардан тозалаб бўлишди.

Бу йилги мавсумда райондаги ободончилик ва ремонт ишларига 100 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Кўчат ўтказиш ойлиги мобайнида районда учта ярим гектарлик хиёбон ташкил этилиб, улар— Салор канали атрофи, 4-Қўйлиқ массиви ва Куйбишев шоссеси кўркига янада кўрк қўшади. Бундан ташқари район кўчаларидаги 10 та ирригация шохобчаси ремонтдан чиқарилади, янги 400 метрли Ҳамза ва Қорасув канали кўприги қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Ҳозир район ободонлаштириш бошқармасига қарашли йўлсозлар Весна, Привокзал, ва Куйбишев шоссесида асфальт ётқизиш ишларини бажаришмоқда. Шу мавсумда райондаги 28 кўчага асфальт ётқизилади.

• ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

• ҲАР БИР КИШИ ҲАШАРЛАРДА 60 СОАТ ИШЛАБ БЕРАДИ



Коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Дорошенко кўп йиллардан бери Тошкент устки трикотаж фабрикасининг тўқув цехида меҳнат қилади. У шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга ваъда берган. Тажрибали ишчи шу кунларда топшириқларини 140—150 процент адо этиб, кўпларга намуна бўлмоқда.

СУРАТДА: илғор тўқувчи В. Дорошенко.

«МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР»

БУГУН

шимолий-шарқ массивидаги 129-ҳунар-техника билим юртида пойтахт ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг уч кунлик кўриги бошланди. «Меҳнатга шон-шарафлар» шиори остида ўтаётган бу мусиқа, қўшиқ, рақс санъати байрами Ўзбекистон комсомолининг яқинда бўладиган навбатдаги съездига бағишланган.

Кўрикда 25 га яқин ҳунар-техника билим юртларининг талантлари ўз маҳоратини намойиш этади.

Бирлашган маданият саройи

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчиларига бир неча йиллардан буён «Звезда Востока» ва «Восток» маданият саройлари хизмат кўрсатар эди. Эндиликда самолётсозларга маданий хизматни янада жонлантириш мақсадида бу маданият саройлари ягона коллективга бирлаштирилди.

Ҳозир бирлашган маданият саройи тўгаракларида шуғулланаётган коллективларнинг сони 50 дан ошади. Уларга 1500 киши жалб этилган.

БУГУН

бирлашган маданият саройининг коллективи биринчи марта корхонага хизмат кўрсатишга шайланди. Авиасозларнинг «Полёт» кафесида меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғор л а р и ва корхонага энгинига ишга келган ёш ўсмирларнинг иштирокида катта интернационал дўстлик кечаси ўтказилди. Саройнинг «Парвоз» миллий ашула ва рақс ансамбли ўз концерти билан дўстлик оқшоми қатнашчиларини хушнуд қилди.

• *Қурилиш майдонида*

Бунёдкорлар ғайрати

Пойтахтимизнинг 1-Қорасув массивн тобора чирой очмоқда. Бунда Тошкент уйсозлик комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармасининг Собир Тўлаганов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари муносиб ҳиссани бор.

Коммунистик меҳнат бригадаси номли коллектив бир неча йилдан бери Н. Злобин методи асосида иш юритмоқда. Тежамкорлик, тез ва сифатли қуриш бунёдкорларнинг асосий шиори. Шунинг учун ҳам азаматлар барча объектларни графикда белгиланганидан барвақт қўлдан чиқариб, ойлик планларини 120—125 процентдан адо этишмоқда.

Бригада мазкур массивдаги қурилиш ишларини ўтган йилнинг март ойида бошлаган эди. Ҳозир бунёд этилган тўртта турар жой биносида 240 оила истиқомат қилмоқда.

Бунёдкорлар ҳар бир уйнинг пойдевор қисмини бир ой ичида қўлдан чиқариб, пудратчи ташкилотларга иш фронтини яратиб беряпти. Бу ерда уйсозлик комбинати 2-монтаж ва 3-пардоз ишлари бошқармаларининг бинокорлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда бригада азаматлари никита 70 квартирали турар жой биносини давлат комиссияси ихтиёрига топширишга ўчун сўнгги умумий қурилиш ишларини тезкорлик билан бажаришяпти. Монтажчи Кимсанбой Турсунбоев, Ҳамид Тўлаганов, Салим Маҳмудов, бетончи Тамара Малькова ва бошқалар айниқса фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Э. ТУЛАГАНОВ.

22 апрель—коммунистик шанбалик куни

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 1-йирик панелли уйсозлик заводида 22-апрель коммунистик шанбалигини ўтказишга бағишланган митинг бўлди. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Москва-сортировочная локомотив депоси темирйўлчиларининг ватанпарварлик ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Митингда сўзга чиққан арматурачилар бригадасининг бошлиғи И. Эрматов у меҳнат қилаётган цех «қизил шанбалик»да актив қатнашиб, 700 куб метр йигма темир-бетон тайёрлашга етадиган 20 тонна товар арматураси ва арматура синчлари ишлаб чиқаришга қарор қилганлигини айтди.

Уйсозлар коллективининг қарорига кўра, шанбаликда 1450 нафар киши иштирок этади. Уларнинг барчаси иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига меҳнат қилишади. Бир кунда 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Иш ҳақи ва реализация қилинган товар маҳсулотдан тушадиган фойданинг 4 минг сўми беш йиллик фондига ўтказилади. Шунингдек, бинокорлар завод территориясида ва Строительная кўчаси атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишади, ишлаб чиқариш яғоналари хиёбонини жиҳозлашади.



Людмила Носикова мана бир неча йилдирки «Компрессор» заводида самарали меҳнат қилиб келяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу моҳир бўёқчи смена топшириқларини 140 процент адо этиш билан бирга ишнинг сифатли бажарилишини таъминлаяпти. Меҳнат беллашувида пешқадамлик қилиб келаётган Людмила Носикова ўз касбини ёшларга ҳам қунт билан ўргатмоқда.

СУРАТДА: Л. Носикова.
И. Шоиногомов фотоси.

Ф а к т
ва шарҳ

КЛУБЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

БУГУН

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг мажлислар залида «Клуб ва ишлаб чиқариш» мавзусида пойтахт область илмий-амалий конференцияси очилди.

Редакция Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси Анатолий Васильевич Браиловдан ана шу фактни шарҳлаб беришни сўради.

— Ушбу конференцияни ўтказиш тасодифий ҳол эмас,— деб таъкидлайди А. В. Браилов.— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида совет кишиларига социалистик мусобақани янада авж олдириш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлашдек муҳим вазифаларни ҳал этишда актив қатнашиш тўғрисида мурожаат қилинган. Ана шу масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларни сафарбар қилишда касаба союзлари маданий-оқартув муассасалари ходимлари ва активистлари муҳим роль ўйнайдилар.

Бугун очилган конференция ҳам тўпланган тажрибаларни ўртоқлашиш, Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги касаба союзлари клублари, маданият уйлари, кутубхоналар ва бошқа муассасаларнинг ишларини бундан буён янада яхшилашга хизмат қиладиган аниқ тадбирлар белгилашга қаратилгандир.

Шу ўринда менимча қизиқарли ва намунали бир фактни айтиб ўтиш жоиздир. 1918 йилда, Москва партия ходимлари олдида нутқ сўзлаб, Владимир Ильич Ленин оммага партия таъсирини клублар тузиш ҳамда уларнинг ишларини яхшилаш орқали ўтказиш зарурлигини уқтирган эди.

Бизнинг бугунги кунимиз — улуғ Ленининг олдиндан башорат қилиб айтган сўзлари нақадар ҳаққоний эканлигини исботлаб турибди. Бугунги кунда Тошкент областининг ўзидагина 130 клуб, саройлар ва маданият уйлари ишлаб турибди, кутубхоналар сони эса 200 га етай деб қолди.

Касаба союзлари маданий-оқартув муассасалари томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами фақат рақамлар билангина ўлчанмайди, албатта. Бу муассасалар фаолиятининг формаларини муттасил бойиб ва такомиллашиб бормоқда. Масалан, Тошкент шаҳри ва пойтахт области меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга», «СССР халқлари дўстлиги ва қардошлиги — ижтимоий тараққиётни жадаллаштирувчи кудратли кучдир» деган ва бошқа мавзулар тобора оммавийлашиб бормоқда.

Маданий-оқартув муассасаларининг меҳнат тарбияси соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, уларнинг социалистик мусобақани авж олдиришдаги ўсиб бораётган ролини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Тошкент шаҳри ва пойтахт областидаги энг яхши маданий-оқартув муассасалари меҳнат мусобақалари натижаларини кўрсатибгина қолмай, балки кишиларнинг маданий савиясини ошириш учун кенг фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилади».

1975—1977 йилларда меҳнаткашлар и ж о д ий бадиий ҳ а в а с к о р л и к I Бутуниттифоқ фестивалининг ўтказилганлиги партия ва ҳукуматимизнинг халқимиз маънавий бойлигини ривожлантириш тўғрисида кўрсатган ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Тошкент шаҳри ва пойтахт областининг касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари, маданият, олий ва махсус ўрта ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг органлари партия органлари раҳбарлигида меҳнаткашлар ижоди бадиий ҳаваскорлик I Бутуниттифоқ фестивалини ташкил этишда, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларининг эришган ютуқларини кўрсатишда бирмунча ишларни амалга оширдилар. 1977 йилнинг ўзидагина касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларида 12,5 мингдан кўпроқ спектакллар ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари ва артистларнинг концертлари бўлиб ўтди.

СССР Конституциясининг 27-моддасида шундай дейилган; «Давлат жамиятнинг маънавий бойликларини қўриқлаш ва кўпайтириш ҳақида, улардан совет кишиларининг маданий савиясини ошириш учун кенг фойдаланиш ғамхўрлик қилади».

Касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларининг ишларида ҳеч қандай камчиликлар йўқ, бизда ҳал қилинмаган ҳеч қандай масалалар йўқ, деб айта олмаймиз, албатта. Масалан, меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан жамоатчиликнинг барча таъсир кучларидан ҳамма жойда ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти. Касаба союзларининг клублари, маданият уйлари ва саройларидаги агитация-бадиий бригадалар етарли эмас.

Конференцияда ижобий тажрибаларни умумлаштириш каби, ана шу камчиликларни ҳам таҳлил этишга асосий эътибор қаратилади.

Биз конференцияда қатнашиш учун барча қизиққан кишиларни— корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, касаба союз ходимлари, клублар, маданият уйлари ва саройларининг активистларини ва раҳбарларини таклиф этганмиз. Илмий-амалий конференцияда ишлаб чиқилган тавсияномалар касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини бундан буён янада яхшилашларида янги омил бўлиб хизмат этиши учун ҳеч қандай шакшубҳа йўқ.



Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби бўлган 11-«Висотстрой» қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг Петр Сачко бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари область ижроия комитетининг маъмурий биноси қурилишида унумли меҳнат қилишмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари кавалери П. Сачко раҳбарлигидаги коллектив беш йилликнинг учинчи йилида план топшириқларини ошириб бажарнб, бошқарма коллективлари ўртасида пешқадамлар сафидан ўрин олган.

СУРАТДА: илғор коллективнинг етакчиси П. Сачко.

«САЛЮТ-6» ЕР АТРОФИНИ 2400 МАРТА АЙЛАНИБ ЧИҚДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 28 февраль. [ТАСС]. «Салют-6» орбитал станцияси Москва вақти билан соат 10 га қадар ер атрофини 2400 марта, шу жумладан бортида экипажи билан бирга 1246 марта айланиб чиқди.

Бугун Юрий Романенко билан Георгий Гречко актив дам оладиган кун. Космонавтлар эрталабки процедура ва нонуштадан кейин станция ва кеманинг борт системаларини контроль қилдилар, техникавий ҳужжатлар устида ишладилар. Экипажнинг кун тартибида комплекс тренажор ва велоэргометрда жисмоний машқлар ўтказиш, иш ҳоналарини сариштa қилиш ва чиқиндиларни чиқариб ташлаш ҳам кўзда тутилган.

Радиоалоқа сеанслари вақтида космонавтлар оилалари билан сўзлашадилар, орбитал комплекс бортига ердан радиоэшиттиришлар, музика трансляция қилинади.

Экипажнинг докладларига ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишламоқда. Комплекс хоналаридаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: ҳарорат 22 градус Цельсий, босим симоб устунининг 790 миллиметрига тенг.

Романенко ва Гречко ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

УЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўплами бешинчи нашрининг 35-томини ўзбек тилида чиқарди.

Бу томни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали босмага тайёрлади ва у Тошкент полиграфия комбинатида босиб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

МУЗИКА ҲАФТАЛИГИ


БУГУН

Ўзбекистонда Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музика ҳафталиги бошланди.

Бу тадбирга республикамизнинг барча ўрта мактаблари, мактабдан ташқари болалар муассасалари, музика билим даргоҳлари, ижодий коллективлар катта тайёргарлик кўришди.

Ҳафталик программаси бўйича Ўзбекистон композиторларининг болалар учун яратган музика асарлари ижро этилади, суҳбатлар ўтказилади.

Шу билан бир қаторда мактабдан ташқари болалар муассасаларида «Музика санъати ҳақида» лекциялар концертлар бўлиб ўтади.



Шаҳримиздаги 10-автомобиль ремонти заводи коллективи ҳар йили республикамиз автокорхоналарининг кўплаб машиналарини сифатли ремонт қилиб бермоқда. Корхонада ўнлаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Сиз ушбу фотолавҳада механика цехининг илғор токари Тожибой Мустақимовни кўриб турибсиз. 30 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келаётган бу пешқадам ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун астойдил тер тўкмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Техника янгилиги*

ПЛУГНИНГ ТИҒИ ЎТКИР

«Чирчиксельмаш» заводида культиватор, плуг ва бошқа деҳончилик иш қуролларининг тиғларини чархлайдиган установка жорий этилди.

Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари тажриба учун установка намунасини ясаб чиқардилар. Илгари мамлакатнинг ҳамма корхоналарида культиватор ва плугларнинг тиғлари қўлда чархланарди. Шунинг учун металл ортиқча қиздириб юборилар, керакли бурчак билан тиғ чиқаришга риоя этилмасди. Натижада тиғлар мўлжалдагидан барвақт ўтмаслашиб қоларди. Эндиликда механизмлар шу масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Кески элементлар тайёрлашдаги меҳнат унумдорлиги қарийб икки баравар ортди, чунончи уларнинг сифати ва пухталиги кўп марта яхшиланди. Ушбу установкани жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 260 минг сўмдан ортади.

(ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, «ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН «ТАШТРАНСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

Қувонч ва ташвишлар

«Главташкентстрой»га қарашли 8-қурилиш трести анча йиллардан буён ўз зиммасидаги вазифаларни уддалай олмас эди. Объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшираолмас, планлар бажарилмас эди. Коллектив ўтган йили яхши меҳнат қилиб, деярли барча планларини адо этди. 39 та объектни қуриб фойдаланишга топширди.

Бироқ айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планлар бажарилмади, чунки қурилишда аввалгидек технология қоидаларини бузилишига барҳам берилмаган эди. 1978 йилнинг январь ойи планлари ҳам муваффақиятли адо этилиб, ойлик топшириққа қўшимча 58 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Трест бу йил 12 та объект қурилишини тугаллаб, фойдаланишга топширишга қарор қилган. 2-Қорасув массивида болалар боғчаси ва мактаб бинокори, ижодий ходимларнинг поликлиникаси муддатидан илгари битказилади. «СредазгипроНИИсельстройиндустрия», 4-давлат лойиҳа институти ва «Узоргазналадка»нинг маъмурий бинолари ҳамда 91 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилади.

Трест бошқарувчиси М. Дўстматовнинг айтишича, ёрдамчи пудратчилар учун иш фронтлари ҳозирланган, агар улар белгиланган вақтларда объектларда ишни бошлашса, аввалгидай бизни орқага судрашмаса, трест коллективи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаради.

Ҳўш, қурувчилар ҳамма резервларни ишга солишяптими? Ҳозирча йўқ. Меҳнат унумдорлигини ошириш январь ойи плани бажарилган бўлсада, унинг суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пастдир. Ишчи кучлари қурилиш майдонларига бир меъёрда тақсимланмаган. Агар мактаблар қурилишига катта эътибор берилган бўлса, уй-жойлар, маҳаллий Советлар объектлари, айниқса, мактабгача болалар муассасалари қурилишига аҳамият берилмаяпти. Шу сабабли бу соҳадаги планлар бажарилмади.

8-трест билан мусобақадош бўлган 11-«Висотстрой» трести январь ойи планини ҳам бажариб, ўз кучлари билан планга қўшимча 40 минг сўмлик, бош пудрат бўйича 34 минг сўмлик қурилиш ишларини адо этди. Иш ҳажмини ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари уддаланмади. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 99,4 процентга бажарилди.

11-«Висотстрой» трести Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди ҳамда Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилишга мушарраф бўлди. Трест пойтахтимиздаги кўплаб йирик иншоотларни қуришда қатнашган. Бу йил ҳам ана шундай объектларни бунёд этишяпти. Уларни ўз вақтида сифатли қилиб фойдаланишга топшириш учун трест коллективи ўтган йилгидай юксак самарадорлик ва сифат билан меҳнат қилиши керак.

Кейинги мусобақадош трестлар январь ойида қуйидагича меҳнат қилишди. «Ташинжстрой» трести СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йиллик планини бажариш ҳақида социалистик мажбурият қабул қилди. Коллектив ўничи беш йилликнинг дастлабки кунларидан бери меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Трест икки йиллик планни Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи арафасида бажарган эди.

Бироқ январь ойида коллектив нисбатан суст меҳнат қилди. Ўз кучлари билан планга қўшимча 13 минг сўмлик иш бажарилган бўлсада, коллективда меҳнат унумдорлиги жуда паст. 7 ва 8-қурилиш бошқармалари заводлар асфальт-бетон билан ўз вақтида таъминламаганлиги туфайли планни бажара олмади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш топшириқлари уддаланмади.

Албатта январь ойи планининг бажарилмаслиги коллектив қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг адо этилишини хавф остида қолдирмоқда.

«Таштранспецстрой» трести янги йилнинг биринчи ойини жуда ёмон якунлади. Барча кўрсаткичлар бўйича қолоқликка йўл қўйилди. Бу ташкилот 1978 йилда ҳам бултургидек меҳнат қилияпти. Ўтган йили асосий қурилиш материалларини, жумладан, асфальт-бетон бўлмаганлиги туфайли биринчи квартал планни бажарилмаган эди. Бу эса йиллик топшириқнинг бажарилишини хавф остида қолдирган.

«Главташкентстрой»нинг мусобақадош бўлинмалари беш йилликнинг зарбдор учинчи йили план топшириқлари ва оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб унумли меҳнат қилишлари, қурилиш ишларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш чораларини кўришлари керак.

1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ АСОСИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ	Қурилиш трестлари: 11-«Висотстрой»	8	«Ташинжстрой»	«Таштранспецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш процентларда				
а) бош пудрат бўйича	102,9	101,4	—	87,5
б) ўз кучлари билан	105,8	112,0	101,3	85,4
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	79,6	160,2	96,3	97,7
б) ўз кучлари билан	97,6	104,2	95,3	100,4
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	99,4	105,4	98,0	79,8
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	98,9	93,2	96,6	108,8
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	—	—	—	4
б) ўз кучлари билан	—	—	2	4
Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши	30 минг сўмлик	82,0 процент	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	135,7	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиш планининг бажарилиши	—	31,2	—	—
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	354 минг сўмлик	85,4 процент	31 минг сўмлик	—
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	—	—	—	—
Ўртача баҳоси (балларда)	—	—	—	—
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	7	15	3	4

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Мукофотдан руҳланиб

Районимиз ободонлаштириш коллективлари баҳорнинг биринчи кунини шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Негаки, кун сайин ҳар томонлама гўзаллашиб бораётган жонажон пойтахтимизни ободонлаштириш, уни гулшан боғлар ва яшил чаманзорларга буркаш бугунги кунда Тошкентни ободонлаштирувчи ва кўкаламзорлаштирувчилар нинг фахрли вазифасидир.

Бизнинг Куйбишев район ободонлаштириш бошқармаси коллективи ҳам ана шундай масъулиятли ишларни амалга оширишга сафарбар этилган. Коллективимиз ўтган йили бу борада катта ютуқларни қўлга киритди. Барча проспектлар ва магистраллар атрофи, хиёбонлар ва аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойлар ҳар томонлама кўкаламзорлаштирилди. Бу ерларга ўтказилган кўчатлар жуда яхши кўкармоқда. Суғориш тармоқларини тозалаш ва реконструкция қилиш, янги хиёбонларни вужудга келтириш ва мавжуд аҳоли ҳордиқ чиқариш жойларини ободонлаштириш соҳасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Кўчаларни кенгайтириш, уларнинг атрофига дарахтлар ўтказиш билан бирга чим ётқизиш ишлари ҳам районимизни янада гўзаллаштириш имконини берди. Транспорт тўхташ бекатлари қиёфасини янгилаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш соҳасида олиб борилган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса Пушкин кўчаси, Луначарское шоссеси ва М. Горький проспектини полиант атиргуллари билан безаш бўйича ишлар муваффақиятли олиб борилди. Районимиз меҳнаткашлари ва ободонлаштириш коллективлари, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат аҳли, ўз районлари қиёфасини гўзаллаштиришга, уни янада обод ва кўркам қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Шунинг учун ҳам районимиз меҳнаткашлари ободончилик ва санитария ҳолатини яхшилаш учун ўтказилган социалистик мусобақанинг 1977 йил IV квартали якунларига кўра Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича энг яхши хизматлари учун Тошкент область партия комитети ва касаба союзлари область Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бу юксак мукофот районимиз меҳнаткашлари, ободонлаштириш коллективларини янада руҳлантириб юборди. Шу кунларда районнинг кўрки ва ободончилиги юзасидан белгиланган ишлар авж олдириб юборилди. Март ва апрель ойларида ўтказилаётган шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги мобайнида районимизнинг яшил бойлиги яна 32 минг туп кўчат ва 92 минг туп яшил тўсиқларга кўпаяди. Ҳозирга қадар транспорт коммуникациялари, торсозлар массиви, Салор канали соҳиллари, кўплаб проспектлар ва кўчаларда бу йил кўкламда ўтказиладиган кўчатлар учун уч мингдан ортиқ чуқурчалар кавлаб қўйилди.

Бундан ташқари, ободонлаштириш икки ойлигида иштирок этадиган корхона ва ташкилотлар, мактаблар ва бошқа меҳнат коллективлари рўйхати тузиб чиқилди. Ана шу коллективларнинг вакиллари иштирокида амалга ошириладиган ишларнинг режалари тузиб чиқилди ва ҳар бир кўча, хиёбон ва территориялар коллективларга бириктирилди.

Кўп йиллик тажрибаларга қараганда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини шу усулда ташкил этиш яхши натижалар бермоқда.

Бу йил кўкламда қилинадиган ишлар миқёси янада катта. Районимиз территориясида метрополитен линияси қурилаётганлиги муносабати билан ҳам кўпгина ишларни шуига мувофиқ ташкил этиш, иложи борича ҳар туп дарахт ва ёш ниҳолларни, яшил зоналарни сақлаб қолиш учун тадбиркорлик билан иш олиб бориш тақозо этилади. Транспорт қатновига яхши шароит яратиб бериш учун кўпгина кўчаларни кенгайтириш, уларни асфальтлаш ва жорий ремонтдан чиқариш ишлари амалга оширилмоқда. Муса Жалил, Волжская, Никитин ва бошқа кўчалар капитал ремонтдан чиқарилди. Шу кунларда кўчат ўтқазиш мавсумини муваффақиятли бошлаб юбориш билан бирга асосий проспект ва магистраллар, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойларга гулларни кўчириб ўтқазиш ишларини тез кунда тугаллаш лозим.


Ҳозир ободонлаштириш бошқармаси коллективининг асосий диққат-эътибори юқорида қайд этиб ўтилган ишларни пухта ташкил этиш, кўчат ўтқазиш учун янги хиёбонлар вужудга келтириш, чуқурчаларни кечиктирмасдан кавлаб бўлиш, манзарали боғдорчилик совхозидан ясень, сафора, можевельник, дуб каби нодир кўчатларни ўз вақтида ташиб олиш ва уларни кўчат ўтқазувчи бригадаларга узлуксиз етказиб беришга қаратилган. Амалга ошириладиган бу ишлар шаҳримизни янада кўркам ва хушманзара боғларга бурқаш, унинг кўрки-чиройини яхшилаш имконини беради.

Э. БОИМЕТОВ,
Куйбишев район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

РАЙОННИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Сергели райони бу йил янада кўркамлашади. Район меҳнаткашлари ободончилик бошқармаси ишчи-хизматчилари ва маҳалла активлари билан биргаликда 57 минг дарахт, 160 минг яшил тўсиқ ва 200 минг ранг-баранг гуллар ўтқазишади. Айниқса Тошкент— Сергели кўчаси атрофи янада обод бўлади. Бу ерга дарахт кўчатлари ўтқазилиши билан бирга 41 минг метр ирригация шохобчалари, чиқиндилардан тозаланади.

Локомотив кўчасидаги кичик ариқлар бузилиб унинг ўрнига катта, бетон ариқлар ётқизилади. Район кўчаларидаги чуқурчаларнинг 18 минг квадрат метри ремонтдан чиқарилиб, асфальт ётқизилади. Бу сафар райондаги капитал ремонт ишлари учун 200 минг сўм ажратилган бўлиб бекатларга ўта замонавий соябон ўрнатилади. Бундан ташқари ўтта хиёбон ташкил қилиниб улардан энг каттаси Москва кўчасида бунёд этилиб бир гектар майдонни ишгол қилади. Ҳозир район ободончилари кўчат ўтқазиш учун чуқурчалар ҳозирлашмоқда.



Фонтанлар шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшибгина қолмай, балки меҳнаткашлар учун қулай микроиқлимлар яратади. Ёзнинг жазирама кунларида шаҳримиз кишилари унинг атрофида дам оладилар.

СУРАТДА: В. И. Ленин проспекти даги фонтан.

Г. Пунь фотоси. ТАСС фотохроникаси.

КЎЧА ЧИРОЙИ

Пойтахтимизнинг Ҳадра ва Комсомол майдонларини туташтирувчи Фурқат кўчасини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир ушбу кўчанинг Ҳадра майдонидан Бешёғочгача бўлган қисмида йўлни кенгайтириш учун эски биноларни бузиш ишлари олиб борилаяпти. Кўп ўтмай улуғ шоир номидаги бу кўча энлилиги қирқ метрлик улкан проспект қиёфасини олади. У йўл ўртасида ва икки ёнида гулзорлари бўлган янада кўркам транспорт артериясига айланмоқда. Бу ишларни «Гордорстройремонт» трести йўлсозлари олиб борадилар. «Халқлар дўстлиги» проспекти ва Ўзбекистон кўчасининг ҳозир реконструкция ишлари бошлаб юборилган Фурқат кўчаси туташадиган қисми ҳам ҳар томонлама ободонлаштирилиб улкан майдонга айлантирилади. Бу ерда кўп ўтмай транспорт туннели қурилиши ҳам бошлаб юборилади.

Октябрь район ободонлаштириш бошқармасининг ишчилари эса бу кўчалар атрофини ободонлаштиришга киришдилар. Айни пайтда «Халқлар дўстлиги», «Пахтакор» метро станцияларининг атрофига кўк арча, дуб каби манзарали кўчатлар ва гуллар келтириб ўтқазилмоқда.

Анҳор соҳиллари, 5-декабрь кўчаси ва Уйғур кўчасидаги янги ҳаммом атрофларида беш мингдан ортиқ кўчат ўтқазиш учун чуқурчалар кавлаб қўйилди. Самарқанд дарвоза кўчасидаги ошпазлик билим юрти ёнида эса микрохиёбон вужудга келтирилмоқда.

Бу йил кўкламда райондаги йўллар ва йўлкалар атрофи, хиёбонлар ва аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойларга ҳаммаси бўлиб 40 минг туп кўчат ва 150 минг туп яшил тўсиқлар ўтқазилади.

• *Ўзбекистон—ноқоратупроқли зонага*

Иваново чўлқуварларига

Гулистон тажриба-ремонт механика заводи янги маҳсулот чиқаришга киришди. «МША—1» бўёқчилик-сувақчилик агрегатлари уй-жойларни ва ишлаб чиқариш биноларини пардозлашда яхши жиҳатларини кўрсатди. Бу агрегатлар «Ивановоирсовхозстрой» трести номига жўнатилди. Ноқоратупроқ зонани ўзлаштирувчилар учун ҳаммаси бўлиб ана шундай установкалардан камида 40 тасини жўнатиш кўзда тутилмоқда.

«Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари А. М. Яҳёбоевдан ана шу хабарни шарҳлаб беришни сўралди:

Ўзбекистон қурувчилари ва мелиораторлари бу йил Иваново диёрида катта ҳажмдаги ишларни қилишлари керак. Жумладан «иккинчи қўриқ» ўзлаштирувчиларига 16 минг квадрат метр уй-жойни топшириш мўлжалланган. Иваново областида ана шу вазифаларни бажариш учун Мирзачўлдан яна иккита кўчма механизациялаштирилган колонна жўнатиш мўлжалланади, у ерга юзлаб мутахассислар юборилади.

Ўзбекистон намояндаларининг уч минг кишидан кўпроқ отряди Ивановода йилига 80 минг кубометр йиғма бетон буюмлари чиқариш мўлжалланган қурилиш саноати қудратли базасини ва Шуискида темир-бетон буюмлари заводини барпо этишни мўлжаллаяпмиз. Илгига 15 минг кубометр маҳсулот етказиб берадиган бу корхонанинг биринчи навбати шу йилдаёқ ишга туширилади. Бу «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» совхозларини қуриш бўйича олиб бориладиган ишларни кучайтириш имконини беради. Бу йилда Ўзбекистон бинокорларининг планларида Ивановода мактаблар, болалар боғчалари, маиший хизмат корхоналари ва клубларни ишга тушириш ҳам кўзда тутилган.

Қурилиш деталларини, механизация воситаларини, шу жумладан пардозлаш ишлари учун керакли агрегатларни ҳам етказиб бериш коллективларимизга ноқоратупроқ зонада янги объектларни тезроқ ишга тушириш имкониятини беради.

(ЎзТАГ).

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«ҚАЧОН ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда ошқозон-ичак касалликлари санаторийси территориясидаги қаровсизлик танқид қилинган эди.

Киров район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бу масала доимий назорат остига олинган, Станиславский кўчасидаги электр чироқлари тузатилган, кўча эса иккинчи кварталда ремонт қилиниши хабар этилган.

• *Республика пойтахти гўзал ва кўкаламзор бўлсин*

• *Шаҳримиз чиройига чирой қўшайлик*

• *Баҳор тараддуди*

• *Оммавий ҳашарларга чиқайлик*

СССР Министрлар Советининг Давлат нарх комитетида

СССР Министрлар Советининг Давлат нарх комитети айрим молларнинг чакана нархларини ва хизмат ҳақини тартибга солиш мақсадида қуйидаги молларнинг чакана нархларини 1978 йил 1 мартдан бошлаб камайтирди:

Қора-оқ тасвирли ҳамма телевизорлар ва уларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 20 процент

Кameраларининг ҳажми 180 литргача ва 180 литр бўлган рўзғор холодильникларига ўрта ҳисобда 15 процент

Капрон газламалар ўрта ҳисобда 20 процент

Капрон газламалардан тайёрланган кўйлаклар, блузкалар, сорочкалар, курткалар, пальтолар, чойшаблар ва тўқимачилик-галантерея буюмлари ўрта ҳисобда 15 процент

«Белан» синтетик ипи қўшилган жун газламалар ва улардан тикилган буюмлар ўрта ҳисобда 15 процент

Сунъий мўйнадан тайёрланган пальтолар, калта пальтолар ва курткалар ўрта ҳисобда 15 процент

«Пелакс» типидаги газламалардан тикилган буюмлар ўрта ҳисобда 20 процент

Текстураланган полизфир ипдан тайёрланган устки трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 20 процент

Синтетик ва сунъий толадан ўспиринлар учун тайёрланган (44-46 размерлардаги) устки трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 30 процент

Капрон, нейлон ҳамда бошқа синтетик ва сунъий иплардан эркаклар ва болалар учун тикилган трикотаж сорочкалар ўрта ҳисобда 25 процент

Капрон ҳамда бошқа синтетик ва сунъий ипдардан аёллар ва болалар учун тайёрланган трикотаж блузкалар ўрта ҳисобда 25 процент

Синтетик ипдардан аёллар ва болалар учун тайёрланган трикотаж ички кийимлар ўрта ҳисобда 30 процент

«Супергарант» машиналаридан олинган синтетик ва сунъий ипдардан тайёрланган тўр полотно ва улардан тайёрланган буюмлар ўрта ҳисобда 25 процент

«Супергарант» ипларидан тайёрланган тўр полотно билан безатилган тикилган ва трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 10 процент

Поливинилхлориддан босим остида қуйиш усулида эркаклар аёллар қиз ва ўғил болалар учун тайёрланган этик ва этикчалар ўрта ҳисобда 17 процент

Бошламаси ва қўнжи синтетик чармдан эркаклар учун тайёрланган этиклар, калта этиклар ва ботинкалар ўрта ҳисобда 25 процент

Суюқ ва пастасимон синтетик кир ювиш воситалари ўрта ҳисобда 18 процент

Айни вақтда айрим молларнинг чакана нархлари ва хизмат ҳақи қуйидагича оширилди:

Олтиндан ва платина группасига мансуб металлардан тайёрланган заргарлик буюмлари (ясама тиш учун дисклардан ташқари) ўрта ҳисобда 60 процент

Бензин 1 литр учун 15—20 тийингача (октан миқдорини ҳисобга олиб)

Гражданларга қарашли енгил автомобилларнинг ремонти ва техникавий хизмати ҳамда енгил автомобилларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 35 процент

Чет эллардан сотиб олинадиган кофе ва какао донининг ташқи савдо нархлари анча ошганлиги оқибатида 1978 йил 1 мартдан бошлаб дон ҳолидаги натурал кофе ҳар килограмминиг чакана нархи 20 сўмгача етказилди ва шунга мувофиқ равишда кофе қўшиб тайёрланган маҳсулотларнинг нархлари ҳам оширилди, шунингдек шоколадли кондитер маҳсулотларнинг чакана нархлари ўрта ҳисобда 30 процент оширилди.

Никоҳ тилла узуклари қимматлашгани муносабати билан биринчи марта никоҳ тузаётган кишиларга никоҳдан ўтиш пайтида пул билан тегишли компенсация тўланади. Транспорт воситаларини текинга ёки имтиёзли шартлар билан оладиган инвалидлар учун автомобиль бензини, енгил автомобиллар ремонти ва техникавий хизмати ҳамда уларнинг запас қисмлари нархи оширилганлиги эвазига компенсация тўлаш кўзда тутилади.

2 Тошкент бет. Оқшом

1 МАРТ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. МАҲКАМОВ: Ўзбекистон нурафшон иттифоқдош республикалардан биридир. Республикамизда гидроэлектр станциялар қурилиши ўзига хос тарихга эга. Илтимос, Ўзбекистонда қурилган ана шундай гидроэлектр станциялар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистонда биринчи гидроэлектр станциялар 1926 йилда Бўзсув каналида қурилган. 1933 йилда Қодирия, 1936 йилда Бўржар ГЭСлари ишга туширилди. Комсомольск (ҳозирда Логинов номли) ва Товоқсой ГЭСлари 1940 — 41 йилларда қуриб битказилди. 1943 йилда Оқтепа ва Оққовоқ—1 ГЭСлари, 1946 йилда Оққовоқ — 2 ГЭСи ишга туширилди. 1948 йилда Сирдарёда қуввати 126 минг киловаттли Фарҳод ГЭСи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Республиканинг энергетика базасини кучайтириш мақсадида Қўйи Бўзсув, Шаҳрихон, Даҳғом ва Наманган ГЭСлари қурилди. 1955 йилгача қурилган ГЭСлар асосан паст қувватли эди. Кейинчалик Қайроқкум, Чуқўрғон, Чордара ва Вахш дарёсида катта ГЭСлар қурилди.

Ўрта Осиё сув энергия ресурслари жиҳатидан СССРда иккинчи ўринда туради. Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Вахш дарёсида Норак ва Норин дарёсида Тўхтағул ГЭСлари қурилмоқда. Чорвоқ ГЭСи икки миллиард киловатт-соат арзон электр энергияси бериши билан бир қаторда 465 минг гектар ерни суғориш имкониятини туғдиради. Норак ГЭСи 11,4 миллиард киловатт-соат электр энергия беради ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистонда бир миллион 300 минг гектар ерни суғоришга имкон беради. Тўхтағул, Чорвоқ ГЭСлари тошқин сувлар зарарини камайтиради.

* * *

Р. ИЎЛДОШЕВ: Вақт ўлчовларида кўпчилик ҳолларда «Гринвич вақти билан» деган ибора ишлатилади. Хўш, нима сабабдан Гринвич обсерваторияси меридиан вақти дунё вақти деб қабул қилинган?

Жавоб: Гринвич обсерваторияси Лондоннинг Гринвич округидаги астрономик обсерваториядир. 1675 йилда қурилган бу обсерватория XX асрнинг 50 йилларида Лондондан 70 километр нарига кўчирилган. Унда дастлаб юлдузларнинг ўринларини кўрсатувчи юлдуз каталогларини тузиш ва Ой ҳаракатини аниқлаш ишлари олиб борилган. XIX асрдан бошлаб юлдузлар параллакс ларини аниқлаш, Қуёш юзини системаник равишда фотосуратга олиш, фотогелиограммалар ёрдамида Қуёш юзидаги доглар, машъалларнинг гелиографик координатларини ўлчаш ва Қуёш юзидаги ҳодисаларнинг табиатини ўрганиш билан шуғулланади. Гринвич обсерваториясидан ўтган меридиан бош меридиан деб қабул қилинган, географик узунлик шу меридиандан бошлаб ҳисобланади. Гринвич обсерватория меридиан вақти дунё вақти деб қабул қилинган.



Сергелидаги қуёш тўқиш мосламаларини заводи паркет маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Корхона ушбу маҳсулотни ўзининг асосий маҳсулотларига қўшимча равишда ишлаб чиқаради. Жами завод механизмлари бу йил республикамиз қурилиш ташкилотларига 12 минг квадрат метрга яқин паркет жўнатадилар.

СУРАТДА: комплектловчи Зинанда Березина қуёш тўқиш мосламалар сифатини кўздан кечирмоқда.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

САМО АЖОЙИБОТЛАРИ

Сайёралар билан баҳорги учрашув

Март— қадимги рим календарида йилнинг биринчи ойи ҳисобланиб, эрамиздан олдин VIII аср ўрталаридан бошлаб Уруш худоси Марс номи билан мартиус деб атала бошлади. 1 март ҳижрий календари бўйича 1398 йил Рабби ал-аввал ойининг биринчисига тўғри келади. Бу ойда само ишқивозлари талай қизиқарли астрономик ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишади. Мартда Қуёш, Дали ва Ҳут юлдуз туркумларида кўринма ҳаракатланиб, 21 март куни Тошкент вақти билан соат 5 дан 34 минут ўтганда Осмон экваторини (Ер экватори текислигининг осмон сфераси билан кесишишидан ҳосил бўлган катта айланмани) кесиб ўтади. Эслатилган бу вақт— тўғри келган сана баҳорги тенгкунлик куни дейилади. Бошқача айтганда шу вақтдан бошлаб кундузи кечасидан узаябошлайди. Айрим шарқ мамлакатларида (Эрон, Афғонистон) йил боши қилиб шу кун қабул қилинган.

Март ойида кундузи 11 соату 15 минутдан 12 соату 40 минутга қадар ортади. Туш пайтида Қуёш марказининг горизонтдан баландлиги эса 41 градусдан 52,5 градусга қадар етади ва натижада Қуёш нурлари ерга анча тик тушиб, таъсири сезила бошлайди.

Март ойида Ойнинг асосий фазалари қуйидагича содир бўлади: астрономик янгиой (Ойнинг Қуёшдан энг кичик бурчак масофада кўринниши) 9 мартда, 11 мартда эса Ой, горизонтнинг ғарб томонида Қуёш ботгач, ингичка ўроқ шаклида кўзга ташланади ва у куни ҳижрий календарь ҳисоби бўйича тўртинчи ой—Рабби ас-соний бошланади. Тўлиной 24 мартда кўринади. Ой янгиой фазасида Ҳут юлдуз туркумида, тўлиной фазасида эса Асад (Лев) юлдуз туркумида ҳаракатланади.

Энди март ойида планеталарнинг юлдузлар фонидаги ҳаракатлари билан танишамиз. Ҳар сафаргидек бундай «сайёралар Қуёш системасининг «кенжатойи»— Меркурийдан бошлаймиз.

МЕРКУРИЙ (Уторуд)нинг диаметри 4880 километрга яқин бўлиб, у Қуёш атрофида секундига 48 километр тезлик билан «учади». Унинг бир йили 88 ер суткасига тенг. Март ойининг учинчи ҳафтаси бошидан то ой охиригача Уторудни кўриш учун энг қулай шароит бўлади. Сайёра Қуёш ботгач, ғарб томонда Ҳут юлдуз туркумида 1 апрелгача шарққа қараб силжиб боради. 13 март соат 4 ларда (Тошкент вақтида) Меркурий ва Венеранинг қўшилиши кузатилади. Бунда Уторуд Венерадан 1 градусча чамаси шимолроқдан ўтиб, равшанлиги Зуҳраникидан қарийб 8 мартача хирароқ бўлади.

ВЕНЕРА (Зуҳра) Қуёшдан ўртача 108 миллион километр масофада, унинг атрофида секундига 35 километр тезлик билан ҳаракатланади ва 225 суткада бир марта айланиб чиқади. Зуҳра мартнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб, горизонтнинг ғарб томонида Қуёш ботгач ёруғ юлдуз шаклида кўринади. Сайёра 4 мартга қадар Дали (Водолей), сўнгра Ҳут юлдуз туркумида юлдузлар оралаб силжийди. Март ойи давомида Зуҳранинг кечки кўриниш даври орта боради ва ой охирида қарийб бир соатга етади.

МАРС (Миррих) катталиги жиҳатидан Ердан қарийб икки марта кичик бўлиб (диаметри 6780 километр) Қуёшдан ўртача 228 миллион километрли масофада унинг атрофида айланади. Бу «Қизил планета»нинг орбитал тезлиги секундига 24 километр, бир йили 687 ер суткасига тенгдир. Март ойида Миррих Жазо (Близнецы) юлдуз туркумида илгарилма ҳаракатланиб, Ердан узоқлаша боради. Ой охирида унинг Ердан узоқлиги қарийб 160 миллион километрга етиб анча хиралашади. 30 мартда Жазо юлдуз туркуми бўйлаб ўз «сайр»ини тугатиб, сайёра Саратон (Рак) юлдуз туркумига ўтади. Ой охирида унинг кўриниш даври 9 соатгача қисқаради. Ойнинг Марс ёнидан ўтиши 19 мартда кузатилади.

ЮПИТЕР (Муштарий)— Қуёшнинг энг йирик табиий йўлдоши бўлиб, унинг диаметри 142 минг 800 километрни ташкил қилади. Муштарийнинг Қуёшдан ўртача узоқлиги-дан 5 мартадан ортиқ бўлиб, Қуёш атрофида салкам 12 йилда бир марта айланиб чиқади. Юпитер атрофидаги ўз «ой»лари билан катта бир системани ташкил этади: унинг атрофида 14 та йўлдош айланади. Гигант бу планета самода, атрофида кўринадиган юлдузлардан анча равшанлиги билан ажралиб туради. Март ойида коронғи тушиши билан планетани горизонтдан анча баландда осмон меридиани (Осмоннинг зенит ҳамда шимол ва жанубий нуқталарини туташтирувчи фаразий чизиғи) яқинида Савр (Телец) юлдуз туркумида кўриш мумкин бўлади. Муштарий март ойида тунининг иккинчи ярмида ботади. Ой Юпитер ёнидан 16 мартда ўтади.

САТУРН (Зуҳал) катталиги жиҳатидан планеталар ичида Юпитердан кейин туриб, унинг диаметри 120 минг 800 километрни ташкил қилади. Қуёшдан ўртача узоқлиги салкам 1,5 миллиард километр. Унинг атрофида айланиб чиқиш даври 29,5 йилни ташкил қилади. Бошқача айтганда, Ерда 30 ёшли одам Сатурнда энди бир ёшга тўлган бўлар эди. Планета январь ва февраль ойидаги каби март ойида ҳам Асад (Лев) юлдуз туркумида ҳаракат қилади. Бироқ, сайёра Ердан жуда узоқ масофада бўлганидан унинг юлдузлар оралаб силжишини оддий кузатишларда сезиш анча қийинлик туғдиради. Зуҳални март ойида кечқурун коронғи тушишидан бошлаб то эрта тонг ёришгунча кузатиш мумкин. 21 март куни Ой Сатурн яқинидан ўтади.

Март ойида қизиқ астрономик ҳодисалардан яна бири — Ойнинг тўла тутилиши кузатилади. Бу ҳодиса 24 март куни кечқурун бошланиб, ярим кечагача давом этади. Ушбу Ой тутилишига тегишли тўла маълумот билан сиз азиз оқшомхонларни тутилиш куни арафасида алоҳида таништирамиз.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астроном.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ВРАЧ ҚАБУЛИДА

Юрак санчганда...

Стенокардия ёки кўкрак қисиши юрак соҳасида ва тўш суяги орқасида кучли оғриқ хуружи тутиши билан кечадиган юрак хасталигидир. Кўкрак қисилиш хасталиги авж олишида атеросклерозни келтириб чиқарадиган, яъни спиртли ичимликларни кўп ичиш, чекиш, асабнинг зўриқиши ва бошқалар сабаб бўлади. Юрак артерияларининг торайиши туфайли кўкрак қисади, натижада юрак тож томирларда қон айланиши ва юрак мускулларининг озиқланиши бузилади. Кўкрак қисиши хуружлари жисмоний зўриқиш туфайли тутади, чунки зўр бериб иш қилганда торайиб қолган артериялардан юрак мускулларига зарур миқдордаги қон келиб тушмайди.

Касалликнинг дастлабки пайтларида ниёда юрганда ёки бошқа жисмоний иш қилганда оғриқ пайдо бўлади. Одатда оғриқ чап қўл, чап юрак, бўйин, гарданга тарқалади. Агар одам юриб кетаётганда оғриқ пайдо бўлса, тўхташи билан босилади. Кўкрак қисининг хуруж аксари кечаси тутиб, юрак қаттиқ оғрийди, одамни ўлим ваҳимаси босади. Кўкрак қисиши хуружи бир кунда бир неча марта тутиши ёки бир неча йилларгача йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Стенокардия касаллигининг олдини олиш учун касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф қилиш лозим, шунинг учун гипертония, атеросклероз, ревматизм, холецистит ва бошқа касалликларнинг олдини олиш билан ўз вақтида даволаниш керак. Юқорида кўрсатилган касалликларнинг олдини олмаслик стенокардия касаллиги авж олишига сабабчи бўлади.

Стенокардия касаллигининг олдини олиш учун ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри уюштириш, рационал овқатланиш, дам олиш ва физкультура билан шуғулланишни тўғри ташкил этиш, шунингдек эмоционал характердаги ёмон таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш лозим. И. П. Павлов «Соғлиқни сақлаш (орқали) ва касалликларнинг олдини олиш учун ҳар бир киши ўзида шартли рефлекслар ҳосил қилиши, яъни иш билан дам олишни тўғри навбатлашга ўргатиши, мунтазам равишда ҳар куни маълум соатларда физкультура ва спорт машқлари билан шуғулланиши лозим», деган эди.

Рационал овқатланиш— бу фақат овқатланиш режимига риоя қилиш эмас, балки ўрта ва катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган овқатнинг калориялилигини чеклаш ҳамдир.

Кундалик рационни қуйидаги тақсимлаш тавсия этилади: эрталаб 7— 8 да (нонушта) бир суткага мўлжалланган овқатнинг 25—30 процентини истеъмол қилиши лозим, соат 16— 17 да (тушки овқат) 50— 40 процентини, кечки овқатни ухлашдан кам деганда 2 соат олдин қабул қилиш лозим (кундалик рационнинг 10— 15 проценти).

Тамаки чекишга, алкоголизмга қарши курош юрак сиқиши касалликларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Тамаки таркибидаги никотин заҳар тутун билан организмга кириб олиб, кишининг марказий ва периферик нерв системаларига ёмон таъсир кўрсатади. Никотин симпататик нерв системасини қўзғатади, қон томирларини кескин даражада торайтириб стенокардия ва шу каби оғир касалликлар авж олишига сабаб бўлади. Алкоголь ва пивонинг ёмон таъсир кўрсатишини ҳамма билади.

Алкоголизм ҳам юрак фаолиятини бузиб, меъда ва ичакларининг оғир касалликларига олиб келади.

Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш юракда, қон томирларда турғун ўзгаришларни тараққий эттиради. Бу эса қон айланиши бузилишининг сабабларидан биридир. Стенокардия касаллиги бор беморлар врач назорати остида туриши билан бирга, хуруж тутган вақтида, хуружни қолдирувчи дориларни олиб юришлари лозим.

Юраги хаста одамнинг кўкрак қисимида санчиқ тутиб қолса, атрофдагилар то врач етиб келгунча нима қилишлари керак? Буни билиб қўйган ҳам фойдадан ҳоли эмас. Юрак санчганда беморни эҳтиётлик билан каравот ёки диванга бошини баланд қилиб ётқизиб, қисиб турган ички кийимларини зудлик билан, лекин силтамай бўшатиб юбориш керак. Шундан кейин нитроглицерин ёки валидол таблеткаларидан бирини тилнинг тагига ташлаб сўндирилса яхши ёрдам беради.

Агар санчиқ бешўн минут орасида қолмаса яна битта таблетка берилади. Бордию, уй аптекасида таблетка бўлмаса, томизиб ичиладиган дорилардан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун бир чақмоқ қандга тўрт-беш томчи валидол ёки бир-икки томчи нитроглицерин томизилиб берилади. Бемор уни тилининг тагига олиб шимиши керак. Бу дорилар ўрнига валокардин, корвалол ёки зеленина дориларидан фойдаланиш мумкин. Ана шу дориларнинг биронтасидан бир хўплам сувга 15 — 20 томчигача томизиб берилади. Ана шу дориларнинг биронтаси ҳам бўлмай қолса, валериан дориларидан фойдаланиш мумкин. Бу ҳар икки дори санчиқни батамом қолдиришига қуввати етмаса ҳам ҳар қалай беморга бир оз енгиллик беради.

Юқорида айтилган дорилардан ташқари, аптекада сотиладиган горчичник ва грелкалардан фойдаланиш керак. Горчичник юрак атрофи, баданнинг елкага яқин ерига, болдирга ва курак оралиғига қўйилади. Оёқни горчицали иссиқ сувга солиш ҳам фойдали.

Ана шу даволаш усули ва тинчлик беморнинг аҳволини енгиллаштиради. Юрак санчиғи тутган бемор врач етиб келгунча ўрнида қимирламай ётиши керак.

Носир ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

• *Сўраган экансиз...*

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Э. НИЗОМОВ: Кўп одамлар газ сувини, яъни минерал сувни яхши кўришади. Унинг қандай хосияти бор. У фақат чанқовни босиш учун ишладими ёки бирор касалликни даволашда ҳам фойдаси борми?

Жавоб: Газли сувлар ёки минерал сувлар чанқовни қондириш билан бирга, ҳазм органлари ишини яхшилайди ва кишн иштаҳасини очади. Шунинг учун иштаҳаси пасайган кишилар уни ичиб туришлари мумкин. Айниқса, иссиқ кунларда иштаҳа бўлмай, меъда ширасн камаяди. Ана шу вақтда овқатланишдан олдин ярим стакан газли ёки минерал ичиб олинса, меъда ширалари ортиб, иштаҳа очилади. Газли сувлар меъдачак деворларини қитиқлаш хусусиятига эга. Шунинг учун қабзиятга берилувчи кишилар уни наҳорга ичишлари мумкин. Ошқозон ва жигар хасталигига чалинган беморлар эса унинг газини чиқариб ташлаб ичишлари лозим.

* * *

Н. МИРКАРИМОВ: Парҳез таомлари ҳақида ўзбек тилида китоблар чиққанми? Чиққан бўлса, уларни қаердан олиш мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон «Медицина» нашриёти республика санитария маорифи уйи билан биргаликда шу ҳақда жуда кўп авторларнинг брошюраларини чиқарган. Яқинда эса шундай брошюралардан яна бири нашр этилди. У «Ичак касалликларида парҳез» деб аталади. Уни шу соҳанинг мутахассиси, ёш олим Ботир Саидов ёзган. Мазкур китобчани шаҳар ёки район санитария маорифи уйларидан олиш мумкин. Яна, бир хилдаги китоблар шаҳримизнинг Жуковский кўчасига жойлашган Абу Али ибн Сино номли медицина китоблари магазинида ҳам бор.

* * *

Ф. ҒУЛОМОВ: Тошкент Давлат медицина институтида стоматология поликлиникаси бор, деб эшитдим. Айтингчи, бу поликлиника кимларни қабул қилади?

Жавоб: Поликлиника доценти С. И. Бектошевнинг хабар қилишича, бу поликлиникада барча меҳнаткашлар даволаниши мумкин. Фақат улар бу ерга келишларидан олдин яшаш жойларидаги участка врачларидан йўлланма олишлари шарт.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ШИФОБАХШ СУВ

Трускавец курортининг энг машҳур минерал сув булоқларидан бири Нафтусядир. Украинча «Нафта» сўзи нефть сўзидан олинган. Бу булоқ суви ўзига хос бўлиб, оддий минерал сувга ўхшамайди. Нафтуся сувининг бир литрида атиги 0,7 грамм минерал моддалар бор. Бу одамнинг қон зардобидаги минерал моддалардан ҳам кам. Минерал моддалари кам бўлган сувни гипотоник сув дейилади.

Нафтуся сувн химиявий таркибий жиҳатидан кальций-магнийли гидрокарбонат сувларига киради. Бу сувда бирозгина бошқа минерал моддалар, шунингдек, газлар, ҳатто органик бирикмалар — нефть маҳсулотлари (феноллар, нафтен кислоталари, углеводород сульфидлар ва бошқалар) ҳам бор. Сувдан нефтникига ўхшаш ғалати ҳид келишига сабаб шу.

Нафтуся суви модда алмашинувини яхшилайди, организмдаги оксидланиш процессларини кучайтиради, қондаги азот, кальций ва хлоридлар миқдорини нормаллаштиради, ўт ажралишини кучайтиради.

Бу сув айниқса пешоб чиқишини кучайтириб, организмни зарарли ташландилардан халос қилади. У меъданинг секретор ва ҳаракат функцияларини ҳам яхшилайди.

Нафтуся жуда шифобахш сувдир. Ут пуфаги ва қовуқ, жигар, буйрак жоми касалликларида, ўт пуфагида тош ҳосил бўлиш касаллиги ва шу каби бошқа хасталикларда Нафтуся сувн билан даволаниш тавсия этилади. Айни вақтда бошқа даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Шуни назарда тутиш керакки, юрак-томир системаси ва ҳазм органларининг баъзи бир касалликларида минерал сувдан билар-билмас фойдаланиш фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Шунинг учун минерал сув ичиш тартибини фақат врач белгилаши ва даволаниш врач назорати остида ўтиши лозим. Минерал сувдан тўғри фойдаланилса, врачнинг айтганлари бажо келтирилса, уй шароитида ҳам курортдаги каби яхши натижага эришиш мумкин. Нафтуся сувн қўйилган шишани оғзи резинка пробка билан беркитилган ҳолда салқин жойда сақлаш зарур.



Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент трикотаж фабрикаси қошидаги медицина пункти корхона ишчи-хизматчиларига намунали хизмат кўрсатяпти. Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари бўлган малакали медицина ходимлари ишлайди.

СУРАТДА: медицина пунктининг ишчан ҳамшираси Анна Яковлева ёш ишчи Машкура Баҳодирова саломатлигини назоратдан ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ХУШМАНЗАРА ТОҒ БАҒРИДА

Тошкент область Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозида 150 ўринли болалар касалхонаси очилди. Бу касалхона умумий колхоз йиғилишида қабул қилинган қарорга мувофиқ хўжалик маблағи ҳисобига қурилди. Болалар шифохонаси энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Чотқол тоғининг хушманзара бағрида қурилган «Ленинобод» колхозининг касалхонаси ҳам дастлабки беморларни қабул қилди. Бу касалхона бир пайтнинг ўзида юз кишини қабул қила олади. Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида 120 ўринли типовой касалхона қурилиши тугалланмоқда. Ҳозир Бўка, Ғалаба, Калинин ва бошқа районларда колхоз профилактика муассасалари барпо этилмоқда. Бу йил пойтахт областида ўнга яқин янги қишлоқ касалхоналари ишга туширилади.

САНАТОРИЙ ҚАД КЎТАРДИ

Молдавиянинг Кацараш шаҳри яқинидаги ўрмон чекқасида «Совет Молдавияси» санаторийсининг беш қаватли биноси қад кўтарди. Эндиликда бу ерда ҳар йили илгаригига қараганда икки баравар кўп, яъни 8 минг киши дам олиб даволанади.

Молдавияда касаба союзларига қарашли шифохоналар йил сайин кўпаймоқда.

Молдавияда ҳар йили касаба союзларининг путёвкаси билан 130 мингдан ортиқ киши дам олади. (ТАСС).

ЛАБ НЕГА ЁРИЛАДИ?

Баъзи кишиларда лаб ялаш ёки оғзида гугурт чўпи ва шунга ўхшаш нарса солиб юриш одати бор. Бу яхши эмас. Лаб ва унинг шиллиқ пардаси ёрилишига огизнинг қуриб қолиши, шунингдек, юқорида айтилган одат ҳам сабаб бўлади. Очиқ ҳавода ишлайдиган кишиларнинг ҳам қўёш, шамол, совуқ таъсиридан лаби ёрилиши мумкин.

Ёш болаларда ва кекса кишиларда эса кўпинча лаб бичилади. Овқатни нотўғри чайнаш натижасида лаб бичилган жойда тупук билан ҳамиша намиқиб турадиган тери ажинлари пайдо бўлади ва бу ерда яллиғланиш касаллигини тарқатувчи бактерия-стрептококк кўпаяди.

Антибиотикларни сурункали истеъмол қилувчи ёки модда алмашинуви издан чиққан кишиларнинг ҳам лаби бичилади. Гоҳо ясама тиш қўйган кишиларнинг лаби ёрилиши мумкин.

Лаб ёрилмаслиги ва унинг олдини олиш учун ҳар нарсани оғизга олмаслик керак. Борди-ю лаб тез-тез қурийверса, кунда бир неча марта рангсиз ёғупа суртиш лозим. Очиқ ҳавода ишлайдиганларга «Луч», «Шчит» ёғупалари суртиш маслаҳат берилади.

Лаб ёрилишига бепарво бўлмай дастлабки чора кор қилмаса врачга мурожаат этиш керак.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

76-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Давид Мататов тушунтириш хатида шундай деб ёзди: «Мактабимизда кўча ҳаракати қоидаларини ўрганяпмиз...»

Аммо унинг олган билимларини амалда қўлламагани чакки бўлди. «Юбилейний» спорт саройи ёнида у Беруний кўчасининг циёдалар учун ажратилмаган жойидан чопиб ўтмоқчи бўлди. Лекин яқинлашиб келаётган транспорт йўқлигига ишонч ҳосил қилмади. Натижада ўн беш ёшли ўсмирни И. Осмонов бошқариб келаётган ПАЗ-695 автобуси уриб кетди. Танази жароҳатланган Давид Мататов 15-поликлиникага олиб келинди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Новаторларнинг таклифи билан

СОФИЯ. Болгариянинг бир неча минг кишидан иборат рационализаторлар ва ихтирочилар армияси ўтган йили яхши меҳнат қилди. Улар тақдим этган 30 мингдан зиёд рационализаторлик таклифлари қарийб 300 миллион лев миқдорида иқтисодий самара берди. Бу эса 1976 йилдагига нисбатан 50 миллион лев кўп.

Рационализаторлар ва ихтирочилар беш йилликнинг энг муҳим вазифаларини бажаришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Заводларда, аграр саноат комплексларида, транспортда, қурилишда 1800 дан қўпроқ техника тўғараклари, жамоатчилик асосида ишлайдиган рационализаторлик ва конструкторлик бюролари бор. Ишлаб чиқариш новаторлари илмий-техника союзларига бирлашиб, машина ва механизмларнинг янги турларини яратишда, технология жараёнларини такомиллаштиришда, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва модернизациялашда актив қатнашмоқдалар.

ДАВЛАТ СЕКТОРИНИНГ МУҲИМ РОЛИ

ДЕҲЛИ. Ҳукуматнинг 1977—78 молия йилида давлатга қарашли саноат ва молия корхоналарининг фаолияти тўғрисидаги йиллик доклади Ҳиндистон парламентининг халқ палатаси муҳокамасига қўйилди. Докладда бундай дейилган: шу молия йилида мамлакатнинг давлат сектори корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Давлат сектори, деб таъкидлаб ўтилади докладда, икки йўл билан— ишлаб турган объектларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва янги корхоналарни қуриш йўли билан кенгайтирилди. Экономиканинг нефть, пўлат эритиш, кўмир ва химия саноати каби тармоқларига кўпроқ маблағ сарфланди. Давлат корхоналари нефть маҳсулотлари, цемент, ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқара бошладилар.

Давлат сектори, деб уқтириб ўтилади докладда, одамларни иш билан таъминлашда катта роль ўйнайди. 1976—77 молия йилида давлат корхоналарида 1,6 миллион киши ишлади. Бу корхоналарда банд бўлган ишчилар ва хизматчилар уй-жой, медицина хизмати билан таъминланади. Утган йили шу мақсадда 950 миллион рупия сарф қилинди.

Уганданинг «оқ олтин»и

КАМПАЛА. Угандада республиканинг экспорт қилинадиган асосий экинларидан бири бўлмиш пахта ҳосилини йиғиштириб олиш кампанияси қизиб кетди. Мамлакат пахтани чет элларда сотиш йўли билан валюта тушумларининг қарийб 30 процентини олмоқда. Шу сабабли Угандa ҳукумати пахта етиштиришни рағбатлантириш учун қатъий чоралар кўрмоқда: экин майдонлари кенгайтирилмоқда, зарур қишлоқ хўжалик техникаси ажратиб берилмоқда, пахтанинг харид нархлари оширилмоқда. Селекциячи олимлар пахтакорларга катта ёрдам бермоқдалар.

Пахта териш техникасига хизмат кўрсатаётган механизаторлар сони ортиб боряпти. Улар Тороро шаҳри яқинида жойлашган Бузитемдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш марказида ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу марказда угандаликлар билан бирга совет ўқитувчилари ва усталари ҳам иш олиб боряпти.

Жаҳон бозорида Угандa пахтасига талаб катта. Узун толали навлар бу пахтанинг 70 процентини ташкил этади. Совет Иттифоқи Уганданинг экспорт имкониятларини кўпайтиришда унга анча катта ёрдам бермоқда. Масалан, Лира шаҳрида СССРнинг ёрдами билан қурилган фабрикада юқори сифатли калава тайёрланмоқда.



Шунақаси ҳам бўлади: машина ҳайдовчиларга тўхтаб туришга тўғри келади— нўқтани ўрдаклар несиб ўтишмоқда.

Нордфото— ТАСС фотоси.

физкультура ва СПОРТ

• Март ойида спорт

Мусобақалар, учрашувлар

Бу йилги баҳорнинг дастлабки ойида жуда кўп спорт мусобақалари бўлади. Жумладан, фақат Ўзбекистон спорт комитети томонидан 20 дан зиёд республика биринчилиги баҳслари ўтказилади.

Енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида республика биринчилигини ўтказиш анъана бўлиб қолган. Бу мусобақалар «Физкультурник Ўзбекистона» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» газеталари совринлари учун ўтказилади. У 17 мартда стартга чиқади.

Тўққизинчи марта халқаро классли СССР спорт мастери Е. Кондратьев хотираси учун ўтказиладиган мўлжалга отиш мусобақалари бўлади.

Ўзбекистон XV спартакиадаси программаси доирасига кирувчи ёшлар ўйинлари баҳслари давом этади. Оғир атлетикачилар ўз турнирларини 3 мартдан 6 мартга қадар Андижонда, шахматчилар эса 23 мартдан 30 мартгача Гулистон шаҳрида ўтказишади.

Барча областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрининг аёллар терма командалари 8 март куни Қарши шаҳрида афсонавий разведкачи Майна Ҳасанова хотираси учун анъанага айланиб қолган енгил атлетика кроссида қатнашишади.

Эшкак эшиш, байдарка ва каноэ бўйича республика мусобақалари бўлади. Шахсий биринчилик 3 мартдан 5 мартга қадар Хўжакент шаҳрида, команда биринчилиги эса 31 мартдан 2 апрелга қадар Тошкент денгизида ўтказилади.

11 мартдан 15 мартга қадар Тошкент областидаги тирларда эркаклар ўртасида мўлжалга отиш бўйича Ўзбекистон шахсий ва команда биринчилиги бўлиб ўтади.

Ўсмирлар ва қизлар ҳам бу ойда жуда кўп мусобақаларда қатнашишади. Қиличбозлар 23 мартдан 30 мартга қадар Тошкентда баҳслашишади. 25 мартдан 28 мартга қадар эса сувга сакровчилар баҳси бўлиб ўтади. 24 мартдан 30 мартга қадар Чирчиқ шаҳрида қўл тўпи бўйича биринчилик баҳслари. 24 мартдан 26 мартга қадар эса Фарғонада эркин кураш бўйича биринчилик мусобақалари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон командалари шу ойда 30 га яқин Бутуниттифоқ биринчилиги ва чемпионатларида қатнашишади. Спорт ишқибозлари республикамиз пойтахтида қўл тўпи бўйича ўтказилган мусобақаларни томоша қилишлари мумкин. 11 мартдан 15 мартга қадар Тошкентдаги В. С. Митрофанов номли Сув спорти саройида сув полоси бўйича СССР чемпионатининг биринчи тур мусобақалари бўлиб ўтади. Уларда олий лига командалари, шунингдек, Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ҳам иштирок этади.

Қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилигининг учинчи тур ўйинлари ўтказилади. Тошкентнинг «Текстильщик» аёллар командаси 21 мартдан 26 мартга қадар, Тошкент Давлат физкультура институтининг эркаклар командаси эса 14 мартдан 19 мартга қадар баҳсларда қатнашишади.

Барча областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрининг аёллар терма командалари 8 март куни Қарши шаҳрида афсонавий разведкачи Майна Ҳасанова хотираси учун анъанага айланиб қолган енгил атлетика кроссида қатнашишади.

Эшкак эшиш, байдарка ва каноэ бўйича республика мусобақалари бўлади. Шахсий биринчилик 3 мартдан 5 мартга қадар Хўжакент шаҳрида, команда биринчилиги эса 31 мартдан 2 апрелга қадар Тошкент денгизида ўтказилади.

11 мартдан 15 мартга қадар Тошкент областидаги тирларда эркаклар ўртасида мўлжалга отиш бўйича Ўзбекистон шахсий ва команда биринчилиги бўлиб ўтади.

Ўсмирлар ва қизлар ҳам бу ойда жуда кўп мусобақаларда қатнашишади. Қиличбозлар 23 мартдан 30 мартга қадар Тошкентда баҳслашишади. 25 мартдан 28 мартга қадар эса сувга сакровчилар баҳси бўлиб ўтади. 24 мартдан 30 мартга қадар Чирчиқ шаҳрида қўл тўпи бўйича биринчилик баҳслари. 24 мартдан 26 мартга қадар эса Фарғонада эркин кураш бўйича биринчилик мусобақалари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон командалари шу ойда 30 га яқин Бутуниттифоқ биринчилиги ва чемпионатларида қатнашишади. Спорт ишқибозлари республикамиз пойтахтида қўл тўпи бўйича ўтказилган мусобақаларни томоша қилишлари мумкин. 11 мартдан 15 мартга қадар Тошкентдаги В. С. Митрофанов номли Сув спорти саройида сув полоси бўйича СССР чемпионатининг биринчи тур мусобақаларида «Динамо» эркаклар командаси эса Грозний шаҳрида 23 мартдан 30 мартга қадар баҳслар қатнашади.

Машҳур рус полвони Иван Поддубний хотира совриниучун классик кураш бўйича ўтказиладиган халқаро турнир ҳамиша қизиқарли ўтади. Бу сафар у 3 мартдан 5 мартга қадар Минск шаҳрида бўлади. Хотира совриниучун бўлган баҳсларда тошкентлик курашчилар — халқаро классли СССР спорт мастерлари К. Фатхулин ва В. Аникинлар ҳам иштирок этишади.

Ўқувчиларнинг кашкул кунларида, яъни 25 мартдан 30 мартга қадар ўсмирлар ва қизлар ўртасида волейбол ва баскетбол бўйича СССР биринчилигининг финал ўйинлари ўтказилади. Бу баҳсларда Тошкентнинг «Спартак» волейбол командаси ва «Ёш куч» баскетбол командаси иштирок этади.

37-СССР Кубоги ўйинлари бошланади. Кубок баҳсларида Ўзбекистондан икки команда иштирок этади. Улар «Янгиер» ва «Пахтакор» командаларидир. Янгиерликлар дастлабки учрашувни Самаркандда Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси билан ўтказишади. Шу команда билан бўладиган такрорий учрашувни улар 11 мартда ўз майдонларида ўтказишади. Пахтакорчилар 18 мартда «Таврия» (Симферополь) — Кировнинг армия спорт клуби командалари ўртасидаги ғолиб команда билан учрашадилар.

П. КОНОВАЛОВ,
Ўзбекистон спорт комитетининг ходими.

СПАРТАКИАДАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

БУГУН

6-тажриба ремонт-механика заводида спортнинг барча турлари бўйича ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган навбатдаги спартакиадага старт берилди. Спартакиаданинг биринчи кунида корхонанинг баскетбол ва волейбол командалари бир-бирлари билан ўзаро куч синашдилар. Бундан ташқари бу ерда шахмат, отиш, енгил атлетика, сузиш ва футбол бўйича навбатдаги мусобақалар ўтказилади.

Ўтган йили бўлиб ўтган спартакиадада корхона ишчи ва хизматчиларининг учдан икки қисми қатнашган эди. Бу йилги мусобақаларда эса коллективнинг 70 процентдан ортиқ аъзоси қатнашмоқда.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

БУГУН

ремонт-механика участкасининг физкультура коллективи Совети 8 март кунига бағишлаб оммавий енгил атлетика кросси ўтказди. Бу кроссда фақат аёлларгина иштирок этишмоқда. Эркаклар мусобақани ташкил этишда уларга ёрдам беришди ҳамда кросс қатнашчилари учун оригинал совринлар ва гуллар тайёрлаб тақдим этишди.

Шу ҳафта ичида коллектив волейбол, стол тенниси ва шашка бўйича мусобақалар ўтказишни планлаштирган. Уларнинг барчаси хотин-қизлар байрамига бағишланади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СССР футбол терма командаси бу йилги мавсумда биринчи ўртоқлик учрашувини ўтказди. Мароканш шаҳрида бўлиб ўтган бу учрашувда терма командамиз Марокко командаси устидан 3 : 2 ҳисобида ғалабага эришди.

СССР терма командаси қуйидаги составда майдонга чиқди. Дегтярев (Новиков), Пригода, Жупиков, Голубев, Маховиков, Коньков, Буряк, Бессонов, (Кипиани), Колотов (Чесноков), Веремеев, Блохин.

* * *

Шаҳмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Югославиянинг Бугойно шаҳрида ўтказилаётган йирик халқаро мусобақаларни ғалаба билан бошлади. У биринчи турда даниялик Бент Ларсенни маглубиятга учратди.

* * *

Пойтахтнинг Ҳарбий-Денгиз Флоти марказий спорт клуби сув ҳавзасида сув остида тез сузиш бўйича ўтказилган мусобақада москвалик 18 ёшли Елена Хлебникова ғалабага эришиб, жаҳоннинг учинчи рекордини ўрнатди. У 1500 метрлик масофани 14 минут-у 50,65 секундда сузиб ўтди.

* * *

Копенгагенда ўтказилган пневматик қуролдан отиш бўйича Европа чемпионатида 36 медалдан 13 тасини бизнинг спортчиларимиз қўлга киритишди (8 олтин, 4 кумуш ва 1 бронза). Барча тур бўйича ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган СССР аёллар терма командаси маҳорати таҳсинга сазовордир.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/III да **Дон Карлос**, 4/III да **Афсоналар водийси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 1/III да **Рўйхатларда йўқ** (18.30), 2/III да **Қалби олов** (19.00), 3/III да **Рўйхатларда йўқ** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—1/III да **Оддий мўъжиза**, 2/III да **Тошболта ошиқ**, 3/III да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 1/III да **Тўй муборак, қари қиз**, 2/III да **Кўзингни каттароқ оч**, 3/III да **Иш курбонлари** (18.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

КИНО

1 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат доволари** (катта зал, кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00), «ВОСТОК» (18, 19.40, 21.10), «МИР» (19, 21.00), «ДРУЖБА» (18, 20.00).

Қуролланган ва жуда хавфли— «ДРУЖБА» (19, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (17.30, 20.30).

2 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Карпат доволари** (катта, зал, кундуз ва кечқурун).

Бўрондаги олишув —ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (11, 15, 13, 14.45, 16.30, 18.15, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (10.20, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20).

Қуролланган ва жуда хавфли— «МИР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Йўқолган экспедиция —«ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Нафрат — ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ДИЛРАБО» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Фотима БАРАТОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

ҚАРИМА УЗОҚОВА

Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Мавжуда Холдорова олиб боради.

«ДИЛРАБО» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.


Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕР— ҲАМИША МЎЪТАДИЛ ҲАВО



Тошкент қиши тез ўтиб бормоқда. Ҳар куни чарақлаб турган қуёш бурчак-бурчакларда қолган муз парчаларини ҳам эритиб юборди. Дов-дарахтлар ҳам ниш урадиган кунлар яқинлашиб қолди. Шундай қилиб, жазирама кунлар бошланишига оз қолди.

Куннинг жазирама дамларида квартирангизда ва хизмат хонангизда «БК—1500» маркали маиший хизмат кондиционери жуда ҳам қўл келади. Бу кондиционер ҳавони салқин қилади, уни чанглардан тозалайди, керакли температурани сақлаб, ҳавони мўътадил қилиб туради.

«БК—1500» маркали янги моделга ротацион типидаги компрессор ўрнатилган. Бу аппарат шовқинсиз ишлайди ва электр қувватини кам сарфлайди.

Кондиционер ва уни монтаж қилиб ўрнатиб бериш баҳоси 442 сўм 30 тийин.

Бу аппаратни тайёрловчи Боку заводи унинг сотиб олинган кундан бошлаб тўхтовсиз икки йил ишлашини таъминлайди.

«БК — 1500» кондиционерига Давлат Сифат белгиси берилган.

Аппаратни кредитга ҳам сотиб олиш мумкин.

Бош универсал магазинидан бу аппаратни сотиб олишингизни маслаҳат берамиз.

Бош универсал магазинга 7, 8, 11, 16, 19-трамвайлар, 8-троллейбус, 28, 35, 53-автобус маршрутлари ва 9, 13, 20-маршрут таксилари билан борилади.

ГУМ

«УЗТОРГРЕКЛАМА»

«ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ»

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Советская Россия» газетасининг совриниучун тўпли хоккей бўйича халқаро мусобақалар. СССР— Швеция терма командалари. 2-тайм. Кемероводан олиб кўрсатилади. 18.00 «Горичлар, қаердасиз!» 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Жаҳон халқларининг ижоди». 19.45 «Инсон ва қонун». 20.15 «Спортлото» тиражи. 20.25 «Софияга йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Консерваториянинг Катта залида Эмиль Гилельс концертлари. 3-кўрсатув. Программада Р. Шуман ва И. Брамс асарлари. 22.40 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Ўсмирлар учун. «Нурафшон давра» (рус.). 18.25 Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди олдидан. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг ўнинчи беш йиллиқда янги, янада йирик социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароит яратишдаги фаолияти». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Баҳор ва бахт қўшиқлари». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кино оламида». 23.00 Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири. Ўзбекистон— ЧССР терма командалари. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Биз рақсга тушамиз». 19.30 «Чорвачилик тажриба, ташаббус». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Санъат турлари. Кино санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатувн. 21.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

2 МАРТ —ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Мексика санъати». 16.25 «Жонажон табиат». 16.45 «Ихтирочи». 17.15 «Композитор А. П. Бородин». 17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик жамият ва оила». 19.15 Украина санъат усталарининг концерти. 20.20 «Софияга йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси 5-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳозирги босқичда СССР халқ хўжалиги ривожланишининг асосий йўналишлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Чўпонлар сулоласи». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Ҳозирги босқичда СССР халқ хўжалиги ривожланишининг асосий йўналишлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «До-ре-ми-фасоль». Болалар учун мусиқали ўқув кўрсатуви. 13.35 «Комсомол». Ҳужжатли фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Воцман». Болалар учун телефильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомоллар — тинимн билмас қалблар». Ўзбекистон комсомолининг XXI съездига бағишланган кўрсатув. 18.50 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Сен ҳақингда куйлайман, Ватан». Телевизион фильм-концерт. 19.50 Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1 — Украина терма командалари. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «425-алоқага чақиради». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 19.45 Байрам олди рекламаси. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Француз тилида сўзлашишга ўрганинг». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти коллективи илмий ходим З. Зиёхоновга отаси

Зиёхон АЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг социал таъминот бўлими шахсий пенсионер, 1926 йилдан буён КПСС аъзоси

Матмурод ЖАББОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг амалий математика ва механика факультети деканати ва жамоат ташкилотлари шу факультетнинг катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари кандидати З. Ж. Жамоловга сингланси

Лазонатхон ЖАЛОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.



Мана бу «Белоснежка» деб аталган болалар велосипедлари Қозоғистонда тайёрланмоқда. Шарқий Қозоғистоннинг Усть-Каменогорск шаҳрида жойлашган СССР 50 йиллиги номли машинасозлик заводи уни ишлаб чиқаришга киришди. Бу ерда учинчи беш йилликда 12 мингта велосипедлар тайёрланади.

Г. Гельфанд фотоси. ТАСС фотохроникаси.

• Ҳар тўғрида

ЖИНОЯТЧИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

Канадада ишсизлик ҳукм сурмоқда. Одамлар арзимаган маош учун ҳам ишлашга тайёр. Шундай бир вақтда Торонтода эса кишилар ўз хоҳишлари билан ишдан воз кечишмоқда. Бунинг сабаби бирон касаллик ёки ишёқмасликдан эмас. Балки, кўрқинчдандир. Мамлакатнинг бу энг йирик шаҳрида борган сари қонли жиноятчилик тўлқини авж олиб бормоқда. Сўнгги вақтларда қуролли босқинчилар кўпроқ такси машинаси шоферларини тунашмоқда. Январнинг биринчи декадасида уч марта мана шундай ҳол рўй берди.

Стюарта Макдугаллани кундуз куни Торонта кварталларидан бирида тунаб кетишди. Жиноятчилар унинг 12 долларини зўрлик билан тортиб олдилар. Жиноят турар жой бинолари ёнида содир бўлса-да ёрдамга ҳеч ким келмади.

— Оғир кунлар ҳукм сурмоқда,— дейди такси шоферлари ассоциациясининг президенти Льюис Бенд. — Эндиликда бизнинг жуда кўплаб ўртоқларимиз линияга зўр-базўр чиқишмоқда. Улар ўзларини ҳимоя қилиш учун пичоқ ёки бошқа бирор буюм билан қуролланиб олишган.

Маҳаллий газеталарнинг маълумотларига кўра такси шоферларидан жуда кўплари ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишмоқда.

• Синоптик маълумоти

МАРТДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

«Ҳар фаслнинг ўз хислати бор», деганидек баҳор оламга ўзгача файз киритади. Март ойида ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати февралга қараганда одатда 5— 7 даража юқори бўлади. Ленин, ойнинг бошларида баъзи ҳолларда қиш ўзини эслатиб ўтиши мумкин. Масалан, 1954 йил март ойида Қорақалпоқ станциясида 37,1 даража совуқ, Кўзбулоқ станциясида 33,7 даража совуқ бўлган.

Хўш, бу йил баҳор фаслининг биринчи ойи — мартда об-ҳаво қандай бўлади?

Урта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорологик институтида март об-ҳавосини олдиндан айтиш бўйича тайёрланган бюллетенида қуйидагилар хабар қилинади:

— Тошкент шаҳри ва областида ҳавонинг ойлик ўртача ҳарорати меъёридан юқори бўлади. Ойнинг биринчи ўн кунлигида ҳарорат кечалари 3 даража совуқ билан 2 даража ўртасида иссиқ, кундуз кунлари 8 — 13 даража иссиқ бўлади. Бу даврда баъзи кунлари ҳарорат пасайиб 0 —5 даража иссиққа тушиши мумкин.

Ойнинг иккинчи ва учинчи ўн кунликларида ҳарорат кўтарилади, кечалари 3 —8 даража иссиқдан 10— 15 даражагача, кундуз кунлари эса 11— 16 даража иссиқдан 26 — 31 даражагача иссиқ бўлади. Бунда ҳароратнинг энг юқори даражада бўлиши ойнинг ўрталарида ва охирида кутилади.

Ой давомида айрим кунлари ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, биринчи ўн кунликда эса ёмғир қорга айланиши мумкин. Ойлик ёғин-сочин миқдори 30— 35 миллиметрни ташкил этади. Бу эса меъёрида. баъзи жойларда ундан сал қамроқ бўлади. Баъзи кунлари туман тушади.

Т. МУХТОРОВ,
илмий ходим.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

дурадгорлар, ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, бўёқчилар, сувоқчилар, бетончилар, монтажчилар.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

ТОШКЕНТ «ПРОМСВЯЗЬ» ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, автоматчилар, асбобсоз-слесарлар ва йигувчилар, диспетчерлар.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВА ЗАВОДИГА

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар, электр монтёрлар, совутиш қурилмаларининг машинистлари, алоқачилар, цех ишчилари.

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИГА

вентиляция ва кондиционлаштириш системаларидан фойдаланиш бўйича слесарь-сантехниклар, навбатчи электромонтёрлар ва слесарлар, токарлар, фрезерчилар, таъминот бўлими бошлиғи.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

ТОШКЕНТ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

муқовасозлар, машинисткалар, фаррошлар, бухгалтерлар, ҳисоб машиналарининг техник-операторлари, қурувчи инженерлар, техника хавфсизлиги инженерлари: юксак ва офсет босма печатниклари, монотипларда ишловчи ҳарф терувчилар, тайёр маҳсулот контролёрлари, ёрдамчи ишчилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктлари.

ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

32, 33, 35, 39, 56, 53, 76, 77, 62, 66, 91, 44, 46, 48-АТСлар ва Спутник шаҳарчасидаги АТСда бўш сиғим йўқлиги учун

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ

Юқорида санаб ўтилган АТСлар хизмат кўрсатадиган районларда телефон ўрнатиб бериш учун

ТЕХНИКАВИЙ ИМКОНИЯТИ ЙЎҚ

Алоқа иншоотларининг қурувчилари янги АТСларни қуриб эксплуатацияга топширганларидан сўнг техникавий имконият яратилгандан кейин гражданларга ва муассасаларга хабар қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

1 МАРТ, 1978 й.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан маитаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р—12884. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1247.